

G.HIRSUTUM L. ТУРИГА МАНСУБ ҒЎЗАНИНГ F₂ АВЛОДИДА ТОЛА УЗУНЛИГИ ВА ЧИҚИМИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Норов Б.Н.

Абдурахманов Д.Х.

Джумақулова Ш.А.

ПСУЕАИТИ, Сирдарё ИТС

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16830527>

Аннотация. F₂ дурагай комбинацияларда қимматли хўжалик белгилари ичида тола чиқими кўрсаткичининг ирсийланишдаги ўзгарувчанлиги нисбатан кенг миқёсда намоён бўлиши, ота-она шаклларига нисбатан тола чиқими бўйича генотипларнинг вариацион қаторнинг ҳам ўнг, ҳам чап томонида жойлашиши, ушбу белгининг ирсийланишида генлар рекомбинацияси хилма-хиллигини англатади.

Кириш. Шўрланган тупроқлар шароитида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш кўпгина олимларни узоқ йиллардан бери қизиқтириб келмоқда.

Қишлоқ хўжалик экинларининг шўрга бардошли тур ва навлари келажак агроэкологизимининг ажралмас қисми бўлиб қолиши муқарар. Янги донорларни яратишда бошланғич манба сифатида табиатда мавжуд юқори даражада шўрга биологик бардошли эколого-физиологик ёввойи ва рудерал галофитлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади [1; 2].

А.Б.Амантурдиев ва бир қанча олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида маълум стресс омилларга бардошли, қимматли хўжалик белгиларига ва тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратишда ёввойи кенжа шакллари ва АҚШ саноат навларини селекцион жараёнга жалб этиш, бунда чатиштириш ва танлов ишларини стресс омиллар шароитида олиб бориш юқори самара беради деган хулосага келишган [3;4].

Натижалар: Пахта толасининг узунлиги – ғўза навини толасини баҳолашда қайси саноат типига мансублигини белгилайдиган муҳим белги ҳисобланади. Тола узунлиги ирсий белги ҳисобланиб, тўқимачилик саноати учун қимматли кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳозирги кунда пахта тўқимачилик саноати учун толаси узун ва пишиқ бўлган маҳсулот етказиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун толаси ҳаридоргир бўлган кўплаб ғўза навлари яратилган ва яратилмоқда.

Тола сифатини баҳоловчи кўрсаткич ҳисобланган тола узунлиги бўйича тажрибада ота-она шакллари ва дурагай комбинацияларида ўзгарувчанлик коэффициенти ҳам аниқланди. Тола узунлиги кўрсаткичи бўйича вариацион қаторда ота-она шакллари 5 синфда жойлашган бўлса дурагайлар 7 та синфда жойлашди. Ушбу кўрсаткич ота-оналик шаклларида яъни, Гулистон нави мос равишда 37,2 мм ташкил қилган бўлса, С-5707 ҳамда PoliteхSirdaryo навлари бир хил 35,1 мм узунликда, F₂ дурагайларида 34,9 мм.дан 36,8 мм.гача бўлди. Ота-она шакллариининг ўзгарувчанлик коэффиценти 6,6-8,6% дурагайларда 16,6-19,2% бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Тола чиқимининг юқори бўлиши олинадиган тола миқдорини белгилайди. Ғўзанинг асосий маҳсулоти тола бўлганлиги учун ҳар бир ғўза навининг тола чиқими юқори бўлиши маълум майдондан олинадиган тола салмоғини муайян тартибда белгилайди. Шунинг учун селекция жараёнида дурагайлашда иштирок этаётган бошланғич намуналарнинг тола чиқимига катта эътибор қаратилади.

Пахта етиштиришдан асосий мақсад юқори сифатли тола олиш яъни, ғўза навлари юқори тола чиқимга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлилларда тола чиқими бўйича ота-она шакллар кўрсаткичлари вариацион қаторда 4-5 синфида жойлашган бўлса, F₂ дурагай комбинациялари кўрсаткичлари 7 синфда ўрин олди. Жумладан, F₂ дурагай комбинациялари генотиплар вариацион қаторнинг ҳам чап (34,0-34,9%), ҳам ўнг (40,0-40,9%) томонида жойлашиб, кенг миқийёсда трансгрессив ўзгарувчанлик намоён бўлди (2-жадвал).

F₂ дурагай комбинацияларда қимматли хўжалик белгилари ичида тола чиқими кўрсаткичининг ирсийланишидаги ўзгарувчанлиги нисбатан кенг миқийёсда намоён бўлиши, ота-она шаклларига нисбатан тола чиқими бўйича генотипларнинг вариацион қаторнинг ҳам ўнг, ҳам чап томонида жойлашиши, ушбу белгининг ирсийланишида генлар рекомбинацияси хилма-хиллигини англатади.

1-жадвал. Тола узунлиги белгисининг ўзгарувчанлиги

№	Ота-она шакллари ва F ₂ авлоди	n	синфлар чегараси (к-1 мм)											x±S _x	V %
			30,0-30,9	31,0-31,9	32,0-32,9	33,0-33,9	34,0-34,9	35,0-35,9	36,0-36,9	37,0-37,9	38,0-38,9	39,0-39,9	40,0-40,9		
1	Гулистон	44	-	-	-	-	6	6	6	18	8	-	-	37,2±0,4	5,2
2	С-5707	42	-	-	-	2	11	22	4	3	-	-	-	35,1±0,1	7,1
3	С-5712	44	-	-	-	3	13	20	6	2	-	-	-	35,6±0,3	6,6
4	<u>PolitexSirdaryo</u>	50	-	-	-	4	18	24	6	4	-	-	-	35,1±0,1	8,6
5	Сирдарё-1	52	-	-	1	11	24	7	7	-	-	-	-	34,8±0,2	6,0
6	Сирдарё-1 х Гулистон	102	-	-	5	12	18	40	20	5	2	-	-	36,8±0,3	19,2
7	С-5707 х Сирдарё-1	103	-	-	7	10	21	42	18	3	2	-	-	34,9±0,1	16,6
8	С-5712 х <u>PolitexSirdaryo</u>	110	-	-	9	14	18	38	21	6	4	-	-	35,4±0,3	17,9

2-жадвал. Тола чиқими белгисининг ўзгарувчанлиги

№	Ота-она шакллари ва F ₂ авлоди	n	синфлар чегараси (к-1 фоз)												x±S _x	V%	
			30,0-30,9	31,0-31,9	32,0-32,9	33,0-33,9	34,0-34,9	35,0-35,9	36,0-36,9	37,0-37,9	38,0-38,9	39,0-39,9	40,0-40,9	41,0-41,9			42,0-42,9
1	Гулистон	44	-	-	-	-	-	-	5	11	23	4	1	-	-	38,1±0,3	3,1
2	С-5707	42	-	-	-	-	-	12	27	2	1	-	-	-	-	36,8±0,08	4,3
3	С-5712	44	-	-	-	-	-	6	13	19	5	1	-	-	-	37,6±0,1	5,3
4	<u>PolitexSirdaryo</u>	50	-	-	-	-	-	7	8	29	4	2	-	-	-	37,4±0,1	6,1
5	Сирдарё-1	52	-	-	-	-	-	10	30	8	4	-	-	-	-	36,5±0,3	5,4
6	Сирдарё-1 х Гулистон	102	-	-	-	-	4	6	10	14	51	11	6	-	-	38,0±0,3	17,2
7	С-5707 х Сирдарё-1	103	-	-	-	-	4	5	15	48	18	10	3	-	-	37,6±0,1	18,8
8	С-5712 х <u>PolitexSirdaryo</u>	110	-	-	-	-	3	7	13	62	16	8	1	-	-	37,2±0,3	16,1

References:**Используемая литература:****Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Амантурдиев А, Алиходжаева С, Қўчқаров О. “Гулистон” ғўза нави. O`zbekiston qishloq xo`jaligi jurnali. №6.2014. 34-б.
2. Алиходжаева С.С., Муратов Е.М., Мунасов Х. Айрим моддий ва мураккаб дурагайларнинг вилт касаллига чидамлилиги. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. –Тошкент, 1995. 34-37-б.
3. Алиходжаева С.С. А.Б.Амантурдиев О.Э.Қўчқаров. Характеристика новых образцов диких и рудеральных разновидностей *G.hirsutum*L. для использования в селекции в целях создания сортов устойчивых к водному дефициту и засолению. Турли экстремал шароитларга бардошли ғўза ва беданинг янги навларини яратишда генетик-селекцион услублардан фойдаланиш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. №32, 2012, 15-16 ноябр.21-23-б.
4. Алиходжаева С.С., Усманов С.А., Кушалиев А.К., Кучкаров О.Э., Ибрагимов Ш., Абророва Р.А. Характер формаобразовательного процесса при создании крупнокоробочных высоковыходных форм тонковолокнистого хлопчатника. Состояние селекции и семеноводство хлопчатника и перспективы её развития. Материалы научной конференции-Ташкент, 2005. С.46-47